

ШАРТНОМА № ТР / 02/2022

Лот № 62377

молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоб халқаро стандартларига ўтказиш (трансформация) хизмати

«12» апрель 2022 йил

Фарғона ш.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "ТТТ-AUDIT" аудиторлик ташкилоти номидан унинг Уставига мувофиқ иш юритувчи бош директор **М.Х.Ботиров** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) бир томондан ва иккинчи томондан Фарғона-Басмаллик Шайхр Назаров Алл унинг Уставига мувофиқ иш юритувчи Насридодов Е (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) ушбу шартномани қуйидаги мақсадларда туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Шартноманинг асосий мақсади "Буюртмачи"нинг молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтказишдан (трансформация қилиш) иборат.

1.2. "Буюртмачи"ни топшириғига асосан "Бажарувчи" қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) "Буюртмачининг" 2021 йилнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижасида шаклланган Молиявий ҳисоботларни, Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларига ўтказиш (трансформация)

1.3. Ушбу шартнома асосида "Бажарувчи" ўз вазифасини бажариш, "Буюртмачи" эса бажарилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

1.4. "Бажарувчи" ўз хизматини "Буюртмачи" томонидан бўнак пуллари тўланган кундан сўнг 3 иш куни ичида бошлайди ва 2022 йилнинг «  » гача яқунлайди.

1.5. Хизматлар қиймати **29 000 000** (Йигирма тўққиз миллион ) сўм, ҚҚС билан.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:**

а) Ушбу шартнома предметида кўрсатилган хизматларни ўз вақтида ва сифатли бажаралишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш, тақдим этилган халқаро стандартларга ўгирилган молиявий ҳисоботлар бўйича тушунтиришлар ва изоҳлар олиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

а) "Бажарувчи" ўз вазифасини амалга ошириши учун "Буюртмачи"нинг молиявий ҳисоботлари, бухгалтерия ҳисоби бўйича маълумотлар, асосий фондлар ва мулкни баҳолаш ҳужжатлари, аналитик ва синтетик ҳисобни шакллантирувчи бирламчи ҳужжатлар, ташкилот фаолияти, унинг актив ва пасивларини таркиби ва ҳолати, келажак режалари, таъсисчилари тўғрисида маълумотлар ҳамда бошқа зурурий ҳужжатларни тақдим этиш.

б) Агарда "Буюртмачи"га боғлиқ ташкилотлар ("Буюртмачи" таъсисчи бўлган) мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини консолидациялаш ва трансформациялаш мақсадларида ушбу шартноманинг 2.2. "а" бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш.

в) "Буюртмачи"нинг вазифасини бажарилишини таъминлаш мақсадларида алоҳида равишда ўз вакилини бириктириб қўйиш, зарур ҳолларда ташкилотларнинг мутасадди шахслари ва мутахассисларини қўшимча маълумотлар ва изоҳлар беришларини таъминлаш.



г) “Бажарувчи”нинг ходимлари учун иш жойини таъминлаш, агарда алоҳида хона ажратилмаса ҳужжатларни сақлаш учун кулфланадиган шкаф ёки сейф ажратиш.

д) Кўрсатилган хизмат ҳақини ушбу шартнома шартлари асосида ўз вақтида тўлаб бериш.

### **2.3. “Бажарувчи”нинг ҳуқуқлари:**

а) “Буюртмачи”нинг молиявий ҳисоботлари, бухгалтерия ҳисоби бўйича маълумотлар, мулкни баҳолаш ҳужжатлари, аналитик ва синтетик ҳисобни шакллантирувчи бирламчи ҳужжатлар, ташкилот фаолияти, унинг актив ва пасивларини таркиби ва ҳолати, келажак режалари, таъсисчилари тўғрисида маълумотлар ва бошқа зурурий ҳужжатларни олиш

б) Консалтинг хизмати шакллари ва усулларини Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига мувофиқ мустақил белгилаш.

в) Агарда “Буюртмачи”га боғлиқ ташкилотлар (“Буюртмачи” таъсисчи бўлган) мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини консолидациялаш ва трансформациялаш мақсадларида ушбу шартноманинг 2.3. “а” бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўпламини олиш.

г) Юзага келган масалалар юзасидан “Буюртмачи”нинг мутасадди шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда қўшимча маълумотлар олиш.

д) Учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни олиш.

е) Активларни баҳоланган қиймати тўғрисидаги маълумотларни олиш.

### **2.4. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:**

а) Ушбу шартнома асосида ўз вазифасини ўз вақтида ва сифатли бажариш, “Буюртмачи”нинг ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш.

б) “Буюртмачи”нинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилмаслик, “Буюртма”чидан олинган ҳужжатларни сақланишини ва тўла ҳолда қайтариб берилишни таъминлаш.

г) “Буюртмачи”нинг сўровларига асосан Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари тўғрисида тушунтириш бериш, халқаро стандартларга ўгирилган “Буюртмачи”нинг молиявий ҳисоботлари Халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текшируви доирасида юзага келган саволларга жавоб ва изоҳлар бериш, аниқланган хатоликларни бартараф этиш.

## **III. ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Бажарилган хизматлар юзасидан ҳисобкитоблар пул ўтказиш йўли билан ўз муддатларида амалга оширилади.

3.2. “Буюртмачи” кўрсатилган хизмат қийматини 100 % шартнома имзолангандан кейин 3 иш куни ичида “Бажарувчи”нинг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига ўгирилган “Буюртмачи”нинг молиявий ҳисоботлари топширилганда сўнг 5 иш куни ичида “Буюртмачи” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани имзолайди ва охириги тўланмаган суммани “Бажарувчи”нинг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

## **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Шартномада кўрсатилган шартларни бажариш муддатини бузганлик учун “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорида, лекин шартнома суммасидан 50 % дан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.

4.2. Шартномада кўрсатилган муддатларда хизмат кўрсатилмагани учун “Бажарувчи” ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорида, лекин шартнома суммасидан 50 % дан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.



4.3 Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Фукаролик Кодекси, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади.

4.4.Зарур ҳолларда томонларнинг келишуви билан консалтинг хизмати муддатлари узайтирилиши мумкин.

4.5. Шартномани бир томонлама бекор қилишга “Буюртмачи”нинг талаб қилинган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки бўлмаса, “Бажарувчи” томонидан хизмат кўрсатиш ўз вақтида амалга оширилмагани асос бўлади. Қайси бир томон айби билан шартнома бузилса, келишилган шартнома суммаси миқдорининг ўн фоизини айбдордан жарима тариқасида ундириб олинади.

4.6.Шартнома шартларини ижро этишда Форс-Мажор вазиятлари вужудга келган тақдирда, томонлар ўзаро мажбуриятлардан озод этилади.

4.7. Ушбу шартнома доирасида “Бажарувчи”га тақдим этилган ҳужжатларни аслига тўғри эканлигига “Буюртмачи” жавобгардир, “Бажарувчи”нинг масъулияти тақдим этилган ҳужжатлар асосида молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига тўғри трансформация қилишдир.

## **V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

5.1.Шартнома бажарилиши юзасидан турли эътироз ва келишмовчиликлар дўстона ҳал бўлмай қолган тақдирда, вужудга келган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳал этилади.

## **VI. АНТИКОРРУПЦИОН ШАРТЛАР.**

6.1. “Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши курашиш қоидаларига, шу жумладан амалдаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлайдилар; бунда ўз ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани амалга ошириш бўйича контрагентларини пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлик, пора олишда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий фойда олиши, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора беришдан воз кечишларини таъминлаши керак”. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўришни кафолатлайди. Томонлар коррупцияга қарши кураш қоидалари бузилган ёки асосли шубҳа туғилганда бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (Шартномада кўрсатилган электрон почта орқали) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма тушунтириш талаб қилишга ҳақли, мурожаатни қабул қилган Томон эса 10 (ўн) иш куни ичида ўз фикрини баён этиши ёки изоҳ бериши мумкин.

6.2. Ушбу модданинг талаблари, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф этиш, томонлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келмаган чоралар кўрилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани тугатишга ёки унинг бажарилишини тўхтатишга ҳақли.

6.3. Ушбу моддада назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тарафга етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг 4-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бузган томон эса шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсация талаб қилишга ҳақли эмас.



## VII. КУШИМЧА ШАРТЛАР.



7.1. Агар нархлар ўзгарса ёки ўтказилаётган аудит даврида иш хажми кўшимча ошса, унда аудит хизмати тулови икки томон келишуви асосида кўшимча шартнома тузиш оркали ўзгаради.

7.2. "Иш бажарувчи" томонидан аниқланиб бартараф килинган ва "Буюртмачи" га ушбу аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан солиқ идоралари томонидан қўлланилиши лозим булган жарима қийматидан ўн фоизи миқдоригача "Иш бажарувчи" га мукофот тариқасида тўлаши ҳам мумкин.

7.3. Агар Буюртмачи тақдим этилган аудит хисоботидаги тузатишларга кўшимча хисобот кўндирмасдан ёки ташки фойдаланувчиларга кўрсатган тақдирда, Иш бажарувчи масъулиятдан озод этилади.

7.4. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб бир нусхаси "Буюртмачи" да, иккинчи нусхаси эса "Иш бажарувчи" да сақланади.

## VII. ТОМОНЛАРНИН РЕКВИЗИТЛАРИ

"БАЖАРУВЧИ"	"БУЮРТМАЧИ"
<p>МЧЖ «ТТТ-AUDIT» <i>АТ</i>                      Фаргона ш, Янгиобод-5                      ХАБ «TRAST Bank» Фаргона фил                      Х/Р 2020 8000 1009 2188 6001                      МФО 01123 СТИР 202 216 926                      Оконх 84400 тел +91 651 80 13                      Код ККС ; 330050137061</p>	<p>"Farg'ona Issiqlik Elektr Markazi" АЖ                      МАНЗИЛ: Фаргона ш. Саноат                      кучаси40                      БАНК: Уз ПСБ                      Х/Р: 20210000700215451001                      МФО: 00494                      ИНН: 200202146                      Оконх 35 111</p>
<p>Бош директор:                        Ботиров М Х</p>	<p>Рахбар:                        Xamidov E.I</p>



"FARG'ONA IEM" AJ SHARTNOMA KOMISSIYASI

1. Rals
2. Moliya va sotish bo'yicha direktor
3. Bosh hisobchi
4. Ta'mirlash bo'yicha tex. direktor o'rinbosari
5. Xuquqiy maslaxatchi
6. TIXMZ bo'lim boshlig'i
7. KRSRB bo'limi boshlig'i
8. I/CH bo'limi boshlig'i
9. E/Q muxandisi

\_\_\_\_\_ y.